

# ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА МОЙЛИ МАХСАРДАН Фойдаланиш.

*А.Тўхтабоев*

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти  
доценти.*

## USE OF OIL CROP AS A RECIPROCAL CROP.

*A. Tokhtaboev*

*Associate Professor of Andijan Institute of Agriculture and  
Agrotechnologies*

**Аннотация:** Мақолада буғдойдан кейин такрорий экин сифатида экилган мойли махсар устида олиб борилган тажриба натижалари келтирилган. Маълум бўлдики, мойли махсарнинг К-70 навини буғдойдан кейин экиб ҳосил олиш мумкин.

**Калит сўзлар:** мойли махсар, такрорий экин, озиқ-овқат, мой, дала тажрибалари, саватча, уруғ, вегетация даври, картамин, ҳосил.

**Abstract:** The article presents the results of an experiment on oilseed rape planted as a repeated crop after wheat. It turned out that the K-70 variety of oilseed rape can be planted after wheat.

**Key words:** oilseed rape, repeated crop, food, oil, field experiments, basket, seed, growing season, cartamine, yield.

Кейинги йилларда дунёда, хусусан Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ,жумладан мойга талаб тобора ортиб бормоқда. Республикамизда мой асосан ғўза чигитидан олинади. Маълумки, сўнгги йилларда

пахта экиладиган майдонларнинг қисқариши ,аҳоли сонининг тўхтовсиз ортиб бориши ва бошқа сабаблар туфайли пахтадан олинадиган мой республика аҳолисининг мойга бўлган талабини тўлиқ қондира олмайди. Шунини ҳисобга олган ҳолда бир қатор илмий-тадқиқот институтларида ҳамда айрим илғор фермер хўжаликларида ноанъанавий бўлган соя,цегра,зиғир каби мойли ўсимликларни экиб ўстириш устида дала тажрибалари олиб борилмоқда. Кўпчилик мамлакатларда асосий мойли экинлар сифатида соя, рапс, ерёнғоқ, кунгабоқар, зиғир, кунжут каби ўсимликлардан фойдаланила-ди.

Мамлакатимизда пахта билан буғдой экинларини алмашлаб экиш йўлга қўйилган. Одатда буғдой июнь ойининг ўрталаридан бошлаб ўриб олинади. Буғдой ўриб олинган даладан такрорий экин экиб тўлиқ ҳосил олиш имконияти бор . бунинг учун тезпишар, қисқа кунли экинларни танлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундай ўсимликлардан бири мойли махсар ўсим-лигидир.

Мойли ёки рангли махсар - *Cartamus tinctorius L.* мураккабгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик бўлиб, у Марказий Осиё, Шимолий Кавказ, Озарбайжоннинг қурғоқчил шароитида кунгабоқар ўсимлиги ўрнини босувчи маданий ўсимлик ҳисобланади. Шунингдек, таркибида ранг берувчи картамин моддаси борлиги учун бўёқли ўсимлик сифатида ҳам аҳамиятли. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз ўз тажрибалари-мизда такрорий экин сифатида мойли махсар устида тадқиқотлар олиб бордик. Махсар мамлакатимизда, хусусан Фарғона водийсида ноъананавий экин ҳисобланади ва кам экилади. Махсар қимматли озуқа ўсимлигидир. Унинг уруғи таркибида 15 %дан 37 %гача чала қурийдиган оч-сарик рангли мой олинади. Тозаланган ёғ сифати жиҳатидан кунгабоқар мойидан қолишмайди ва овқатга ишлатилади. Тозаланмагани техник мақсадларда яъни оқ бўёқ, эмал, алиф, совун

тайёрлашда , линолиум ишлаб чиқаришда ишлатилади. Махсар уруғи паррандалар учун яхши ем бўлади. Махсар уруғидан олинган кунжара чорва ҳайвонлари учун аъло сифатли озиқадир. Бу кунжара ўғит сифатида ҳам ишлатилади.

Махсар ўсимлиги таркибида протеин моддаси ҳам кўп бўлиб, унинг поясида 19%гача, баргларида 24%гача протеин моддаси бор. Шунинг учун махсар пояси билан боқилган ҳайвонларга кунжара ёки бошқа тўйимли овқат бериш шарт эмас.

Тажрибаларимизни Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти генофондидан олинган К-70 нави билан олиб бордик. Дала тажрибалари Избоскан тумани Лўғимбек қишлоғи шароитида ўтказилди. Бугдой ўрилган майдон 15-июнь куни 25-30 см чуқурликда ҳайдалди, мола ёрдамида текисланди ва ораси 60 см қилиб эгат олинди. Уруғ 60x25x 30 см схемасида экилди. Ҳар уяга 3-5 тадан уруғ ташланди. Тажриба юзасидан фенологик кузатишлар олиб борилди, яъни:

Экилган вақти -17.06

Униб чиқиш вақти-24.06

Гуллаган вақти- 14.08

Пишган вақти- 20.10

Бўйи- 78 см

Уруғ ҳосилдорлиги-13,8 ц/га

Пичан(кўк масса) ҳосилдорлиги-75 ц/га.

Махсар сувни жуда тежаб сарфлайди, кўп миқдорда хужайра шираси тўплаш хусусиятига эга. Шунинг учун унинг ташқи ноқулай шароитга

чидамлилиги ошади ҳамда тупроқдаги жуда оз намдан ҳам фойдалана олади.

Махсарнинг ана шу хусусиятларини эътиборга олиб тажрибада фақат 3 маротаба, яъни уруғ суви, гуллаш даврида ҳамда уруғнинг пишиш даврида сув берилди.

Хулоса қилиб айтганда ,мойли махсар ўсимлиги қишлоқ хўжалигида энг аҳамиятли экинлардан бири бўлиб ,катта майдонларга экилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар :

1. М.Мўминов, Т.Топволдиев, А.Тўхтабоев. Ўзбекистон ўсимликлари атласи. Тошкент,2020 йил.
2. М.Мўминов, А.Тўхтабоев. Махсар ҳам мой,ҳам озуқа. Қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Андижон,2011 йил.
3. М.Мўминов, А.Тўхтабоев. Мойли махсар ўсимлигининг тезпишар К-70 навини такрорий экин сифатида экиб ўстириш. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни модернизациялаш. Республика илмий-амалий анжумани . Андижон,2014 йил.